Юк ташувчи, хизматчи, шунингдек депо ва таъмирлаш устахоналар (заводлар) ҳудудида жойлашган	—	15	15

Эслатмалар: 1. Қавсларда кумлар, металл шлакдан, етчили, кум-лой қоришмаси ёки чангсимон тушам қатламининг қалинлиги кўрсатишган.
2. Ярим каттик қурилмалардаги рельс ости асосларининг тушам қатлам қалинлиги 10 см дан кам бўлмашлиги керак.
3. Йўлнинг катнов қисми билан бир сатҳда жойлашган трамвай йўллари, шунингдек йўлнинг утишларида шпал остидаги тушам қалинлигини 3 см га ошириш лозимдир.

КЎПРИКЛАР, ЙЎЛ УТКАЗГИЧЛАРИ, ЭСТАКАДАЛАР ВА ЕР ОСТИ ЙЎЛАКЛАРИ

2.58 Йўлнинг эгри қисмларидаги тушама призмасини тўғри қисм учун белгиланган ички рельс ости тушама қалинлиги сақланганда ташқи рельс (1.33 бадага мувофиқ) юқориланишини инобатга олган ҳолда лойиҳалаш жоиздир.

2.59 Мустақил тўпроқ қутармала жойлашган йўллар учун тушама призмаси қиялигини тушама ашёларининг барча турлари учун 1:1,5 ва тушама қатлам учун 1:2 тиклигида лойиҳалаш лозим.

Тушама призма елкасининг кенлиги (шпал ёнидан призма четигача) 25 см, ташқи томондан 600 м дан кам радиусли йўлнинг эгри қисмида эса - 35 см бўлиши керак. Чоксиз йўл учун тушама призмаси кенлигини ҳисоб-китоблар орқали аниқлаш жоиз.

Йўл қопламсиз йўллар учун тушама призманинг юқори юзаси ёғич шпал юқори сиртидан 3 см қуйи ва темир бетон шпалнинг урта қисми юқориси билан бир сатҳда бўлиши керак.

2.60 Тугуни рааги маҳсус қисмларни (йўналтиргич утказгичлар па берк кесичулар), асосан, қуйча училар ва юқори марганцсиме пулатли крестовиналар билан қўзда тутиш лозим.

Йиғма ёки йиғма пайвандланган маҳсус қисмларни ҳаракатнинг кам ҳадвалли, юк ташиш ва хизматчи, шунингдек, депо ва таъмирлаш устахоналари (заводлар) ҳудудларида жойлашган йўллар учун лойиҳалаш руҳсат этилади.

2.61 Йўналтиргич утказгичларни эгрилик радиуси 50 ва 30 м бўлган намунавий эпюра бўйича қўллаш жоиз.

Сижик шароитларида, шунингдек юк ташиш, хизматчи ва депо ҳамда таъмирлаш устахоналари (заводлар) ҳудудида жойлашган йўлларда йўналтиргич утказгичларнинг радиуси 20 м бўлган эгриликларда қўллаш руҳсат этилади. Йўналтиргич утказгичлар эри чизикли ёки тўғри чизикли бўлиши мумкин.

2.62 Трамвай йўлларининг маҳсус қисмларини чорқирра гула утказгичларда ёки истисно ҳолатларида, чизик тош тушамада ёғич шпалларда инобатга олиш лозим. Бунда йўналтиргич ва йўл сувларини қабул қилиш қўзилардан сув четлатиш таъминлаши керак.

2.63 Кўприклар, йўл утказгичлари ва эстакадаларни ҚМҚ 2.05.03-97 га мувофиқ ҳамда мажкур метёрлар талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳалаш лозим.

Ер ости йўлақларида тез юрак трамвай йўлларини лойиҳалашла шунингдек ҚМҚ 2.05.04-97 қўллаш жоиздир.

2.64 Барча кичик кўприклардаги (25 м гача узунликдаги), уртача кўприклардаги (25 дан 100 м гача узунликдаги) ва йўл утказгичлардаги йўлларни қалинлиги шпаллар асосини сув ажратгич нуқталардаги иҳотанинг муҳофаза қатламининг юқорисигача 25 см (бирок 20 см дан кам эмас) бўлган қақик тош ёки асбестли тушамада жойлаштириш лозим.

2.65 Трамвай йўллари йўлнинг катнов қисмининг еи томонида, рельс изларини ташқи томони бўйлаб жойлашганда кўприклар, йўл утказгичлари ва эстакадалар чегарасида муҳофаза мосламаларини (балаид еи дельор, муҳофаза вельслари ва ҳаказолар) урнатишни қўзда тутиш зарурдир.

2.66 Кўприклар, йўл утказгичлар ва эстакадалардаги рельсини равионлаштиргич асбоблар (мувозанатлагичлар) жойлашган ерларни оралик қурилиш қурилмалари билан боғлаш лозим.

Четки мувозанатлагичлар шакл узғариш чокларидан 1,5 - 2,0 м дан яқин бўлмаган равишда Утин тахтакачларида кўприкнинг четки таяғич чегараларидан ташқарида жойлаштирилади.

Оралик ҳарора мувозанатлагичларини шакл узғариш чокларидан ҳаракат йўналиши бўйича олдинга оралик қурилмаларига суриш лозим.

2.67 Икки бир изли ер ости йўлақлари қурилишидаги ер ости қисмларини ер ости йўлақлари ишларини олиб бориш ҳолларида берк усул, икки йўлли ер ости йўлақларини - эчик усул билан лойиҳалаш жоиздир.

Техник иктисодий асосларга мувофиқ, истисно тариқасида, очик усулдаги ишлаб чиқариш ишларини олиб борилган ҳолларда ажратилмак бир бўли

ер ости йулакларини лойихалаш рухсат этилади.

Лойихада ер ости йулакларини узайтириш ва ер ости бекатларини ривожлантириш имкониятларини кузда тутиш керак, агар бунга курилишнинг кийинги навбатларида зарурат тутилган бўлса.

2.68 Тезюрар трамвай ер ости бекатларини нахлиёт тугунларида ва асосий йуловчилар тўпланадиган ерларда жойлаштириш лозим; бекатларга киришларни ер ости пиёдалар утишлари билан бирлаштириш жонзидир.

Чиқариб-тушириш қисмидаги майдонча улчаларини қуйидагича қабул қилиш лозим:

узунлигини - поезднинг ҳисобий узунлигидан 5 м ортик, бироқ 60 м дан кам эмас;

кенлиги - кугилувчи йуловчи айланишига кўра ҳисоб-китоблари бўйича, бироқ 3 м дан кам эмас;

рельс бошчасининг юқори сатҳидан баландлиги - 30 см дан ортик эмас.

Эскалаторларни зиналарнинг қуйидагича баландлигида кузда тутиш лозим, м:

5-7 - йуловчиларни кўтариш учун;

7 дан юқори - йуловчиларни кўтариш ва тушириш учун;

ЙЎЛНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ

2.69 Трамвай йулларининг қулайликларини КМК 2.05.02-85 "Автомобиль йўллари", шаҳар кўчалари ва йулларини лойихалаш талабларига мувофиқ кузда тутиш жоиз.

2.70 Тезюрар трамвай йулларини узунасига, асосан, йул ўқидан тусиққага қамда 2,8 м м софада панжарасимон темир бетон қурилмаларидан, симли турлардан ва шунга ўхшашлардан тусиқларни ишобатга олиш жонзидир.

Тусиқнинг баландлиги қамда - 1 м.

Пиёдалар учун ҳавфлилиги юқори бўлган қисмларда қисмларда: тўхташ жойларидаги йул ораликларида, мактаблар, болалар муассасалари, йирик дўконлар, умумий овқатланиш қорхоналари ва шунга ўхшашлар агрофила тусиқларини ўрнатиш мажбурийдир.

2.71 Автомобиль йуллари бўлмаганда трамвай йулларининг узунаси бўйича трамвай йулларини техник жиҳатдан хизмаг кўрсатиш учун бир тасмали йулларни қуриш зарур.

2.72 Иморатлар қурилган ҳудудлар чегараларидаги трамвай йуллари ёритилган булишлари керак. Махсус трамвай йулларининг ўртача ётик ёритилганлиги - 6 лк дан кам эмас, чиқариб - тушириш майдончасида - 10 лк.

Кўчанинг катиов қисмида жойлашган трамвай йулларининг ёритилиш меъёри кўчаларни ёритилиш меъёрий бўйича қабул қилинади.

Иморатлар қурилган ҳудудлар чегараларидан ташқаридаги чиқариб-тушириш майдончалари, утишлар, йўналтиригичларни ўтказишлар, пиёдалар утишлари, қорраҳалар ва қаерда хара ат ҳавфсизлиги шартлари бўйича бу талаб этилса, ёритилиш кузда тутиш зарур.

Ёритилиш меъёрини КМК 2.01.05.98 талабларига мувофиқ қабул қилиш лозим.


Иморатлар қурилган ҳудудлардан ташқари ҳайдаб утишларда ёритилиш эътиборга олмастик рухсат этилади.

ОГОҲЛАНТИРИШЛАР, МАРКАЗЛАШТИРИШ ВА БЛОКЛАШ

2.73 Ҳаракат ҳавфсизлиги ва сўзлигини таъминловчи огоҳлантиригич қурилмаларини (светофорлар, ҳаракат тезлигини чегараловчи белгилар ва бошқалар) тугашув тармоқлари таъинлари, бинolari, махсус миноралар, устунлар ёки мустақил сим арқон диагоналларида рельс бошчасидан 2,5 м дан кам бўлмаган баландликда жойлаштириш жоиз.

Ер ости йулакларидagi тезюрар қисмларида "метро" туридаги светофорларни ўрнатишни кузда тутиш лозим.

Огоҳлантиригич дурьмалари электрлаштирилган ёки ёритилган булишлари керак. Уларни кўрсатишларни ушбу йул учун белгиланган ҳаракатнинг эпг катта сўзлигидан тулик хизмат секинлаштиришида йулнинг ҳисобий секинлаштиришидан кам бўлмаган масофани яқинлашганда пиёдалар қуриналиши булиши керак. Огоҳлантириш қурилмалар люминисцентга оид бўлмаски билан бўлишлари лозим.



2.74 Автоматик (утиб бораётган трамвайдан ҳайдовчининг иштирокидан қатъий назар бошқарилувчи) ёки телемеханик (махсус жиҳозланган бўлмасдан бошқарувчи томонидан амалга оширилувчи) электр оғохлантиргичларни эътиборга олиш жоиз.

Трамвай йўлларининг бир қисмида (туғунда, кесилишда) бир нечта оғохлантиргичлар ўрнатилганда уларнинг ёқилиш тарқлари трамвай поездлари ҳаракатларини қарши йўналишига утказмайдиган оғохлантиргич қўрсатишлари ва автоматик блоклашни ўзаро боғлиқлигини таъминлаши керак.

2.75 Йўналтиргич утказгичларини бошқаришни, асосан, автоматлаштирилган (утиб бораётган поезддан ҳайдовчи томонидан бошқарилувчи) ёки марказлаштирилган (бошқарув жойидан бошқарувчи томонидан масофадан телемеханик бошқарилувчи) равишда лойиҳалаш лозим.

Милларни марказлашган бошқарув жойларидан яқинлашётган трамвай поездларининг йўналиш рақамлари ва трамвай йўлларининг барча тугунларини кўриниши таъминланиши керак. Йўлнинг кўринмас минтақасида (трамвай депоси, таъмирлаш заводлари ва устахоналари ҳудудларида) жойлашган милларни марказлаш ирилган бошқарув жойларида блокланувчи миллар қисмлагичининг йўналтиргич мил ҳолати ва бушляги (бандлиги) тўғрисида бошқарувчини назорат оғохлантириш билан таъминловчи чирокли оғохлантиргич таблолар кузда тутиш лозим.

2.76 Утиб бораётган трамвай поезди остидаги милларни утказишни истисно қилиш учун йўл қисмини автоматлаштик блоклашни назарда тутиш лозим.

2.77 Тезорар трамвай йўлларидаги трамвай поездлагич ҳаракатини авфсизлигини таъминлаш ва сошлаш учун поездлар ҳаракатини сошлаш оралиги (ПХСО) тизимини кузда тутиш лозим. Ер ости йўлақларида қўшимча автоматик блоклаш қурилмаларини автоматик тўхтатишсиз ва тулғи вақтда хизматчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш учун, шунингдек ПХСО урилмели носоз поездаларни издан чиқариш имконияти учун кузда тутиш лозим.

Бекатларро ҳайдаб ўтишларда чегаралашган поездлар ПХСО тизимини

ер усти қисмларида шундай ҳолларда назарда тутиш керакки, қачонки ҳисобий вақтли поездларга оралиқ чегаралантирувчи ҳайдаб ўтишдаги поезднинг ҳақиқий бандлик вақтидан ортб кетганда эътиборга олинади.

Блоклаштирилган қисмлар билан белгиланган чегараланган поездлар ПХСО тизимини ер ости йўлқаларида инобатга олиш лозим, ер устки қисмларида эса шундай ҳоллардаки, қачонки ҳисобий вақтли поездларро оралиқ чегаралантирувчи ҳайдаб ўтишдаги поезднинг ҳақиқий бандлик вақтидан кам бўлганда.

Эслатма. Чегараланган захира йўлини поезд билан банд этилиш ҳақиқий ва ги поезднинг захира йўли бўйича юриш вақти ва бекатларда (тухташ жойларида) тухтаб туриш ҳисобий вақтининг иғиндисини ташкил этади. Поездни захира йўли бўйича юриш вақтининг тортиш ҳисоб-китоблари бўйича аниқлаш лозим. Ҳисоб-китобларда поездларни бекатларда туриш вақтини ҳаракат шароитига кура 20 дан 30 с гача қабул қилиш жоиз.

2.78 Блок-қисмларда қотирилувчи трамвай поездларини чегаралагич ПХСО тизими билан устуналанувчи тез юрар трамвай йўлларининг лойиҳаларида ПХСО тизимларининг асосий унсурлари бўлиб ҳисобланувчи автоматик тўхтатишчи автоматик вагон оғохлантиргич (АВО) қурилмалар билан поездларни жиҳозлашни кузда тутиш лозим.

ПХСО тизимларининг йўл қурилмалари тезорар трамвай йўлларини захираларида йўлдан трамвай поездларига поезд ҳаракатининг руҳсат этилган тезлиги тўғрисида оғохлантиргичлар узатишни таъминлаши керак.

Эслатма. Ишга туширишнинг биричи ваббатда захирадаги ПХСО тизимларидан (йўл светофорлари билан автоблоклаш) трамвай поездлари қурилмалар АВО (АРС) билан қўллаш руҳсат этилади.

2.79 ПХСО тизимларининг оғохлантиргич нуқталарини жойлаштирилишини йўлни ҳар бири бўйича бир ёқлама қатнов учун вақт эгри чизиги бўйича тортиш ҳисоб-китоблари асосида чизма усули билан лойиҳалаш лозим.

2.80 ПХСО тизими оғоҳлантиргичининг моҳияти унингчи йили фойдаланилаётган трамвай поездлари ҳаракати-нинг лойихавий ўлчамларини таъминлаши керак ва асосан, тўтр белгидан ошмаслиги керак (ман этилганларни ҳисобламаганда). Бунда, ПХСО тизими қурилмаларининг ҳисоб-китобларида поездларни ҳайдаб ўтишлардаги ҳаракати учун камида 15 с ва бекатларга (тўхташ жойлари) яқинлашиш қисмида камида 5 с эҳтиёт вақт эътиборга олинган бўлиши керак.

2.81 Блок-қисмлар билан маҳкамланган ПХСО тизими оғоҳлантиргич нуқталарини жоғлаштириш учун ҳисобий ораликни ҳайдаб ўтишлардаги, асосан, поездлар ҳаракатини "яшилдан-яшилга" лигини таъминлаб, блок-қисмлар сени билан тенг оғоҳлантиргич моҳиятли йўлақай-кейинги трамвай поездларини чегаралашдан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш лозим.

Ҳайдаб ўтишдаги блок-қисмнинг узунлиги тулиқ хизматчи секинлатишда ва автотўхтатгич ҳамда АВО қурилмаларини ишлаши учун зарурий вақтни инобатга олган ҳолда руҳсат этилган тезликда белгиланган маълум жой учун секинлатиш йўлининг узунлигидан кам бўлмаслиги керак.

Блок-қисмга келувчи руҳсат этилган тезлик қиймати ПХСО тизими оғоҳлантиргичини моҳиятидан аниқланади.

2.82 V тоифали автомобиль йўллари билан бир сатҳдаги тезюрар трамвай йўлларининг кесишишларида трамвай поездлари ҳаракатини афзаллигини таъминловчи махсус светофор оғоҳлантиргичини назарда тутиш лозим.

2.83 Автоматика ва телемеханика симаркопларидаги эҳтиёт симлар симларининг умумий сонининг 10. % да кам бўлмаслиги керак, бироқ камида иккита.

2.84 Автоматика ва телемеханика қурилмаларини электр билан таъминлашни тортиш кичик станцияларидан олдинги манбаларидан қатъий назар 220 В (нейтрал билан иҳоталанган икки утказгичли тизим) кучланишли ўзгарувчан ток манбасидан I тоифа ишончлилиги буйича кўзда тутиш лозим.

2.85 Тезюрар йўллардаги ПХСО тизимининг металл қурилмалари ва

жиҳозларини ерга улаш лозим дросель-трансформаторлар қобиғидан ташқари, қайсики асосдан иҳоталаниши зарурдир.

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ЙЎЛЛАРИНИНГ АЛОҚА ВА ОҒОҲЛАНТИРГИЧЛАРИ

2.86 Тезюрар трамвай йўлларида поездлар ҳаракатини ташкил этиш учун қуйидаги алоқа турларини кўзда тутиш лозим:

ҳаракат буйича бошқарувчини телефон алоқаси;
электр бошқарувчини телефон алоқаси;

ер ости йўлқалари қисмида телефон ер ости йўлка алоқалари (КМК 2.05.04-97 буйича лойихаланари);

ҳайдаб ўтишдаги телефон алоқаси;
кучма тикловчи гуруҳлар билан бошқарувчининг радио алоқаси;
бошқарувчини марказий бошқарувчи билан радио алоқаси.

Телефон алоқасини барча турдаги чизикли ишшоотларини ягона мажмуавий тармоққа бирлаштириш лозим.

2.87 Тезюрар трамвай ҳаракати буйича бошқарув телефон алоқасидаги барча абонентларни тезкор алоқага зарур бўлган: электр бошқарувчиси; депо бошқарувчиси; йўл хизмати, СЦБ ва алоқалар, электр таъминоти; тиклаш гуруҳлари; охириги бекатлар ва йўналишдаги ҳаракатни сошлаш жойлари бошқарувчилари (навбатчилари) билан жиҳозланиши лозим.

2.88 Тезюрар трамвай электр бошқарувчининг алоқа занжирига: тортиш кичик станциялари, ҳаракат буйича бошқарувчи, тикловчи гуруҳлари, қувват таъминоти хизмати телефонларини улаш лозим.

2.89 Тезюрар трамвайнинг ҳайдаб ўтиш алоқа занжирига ПХСО тизимининг реле жавонларида ёки 1,0 км дан ортиқ узунликдаги ҳайдаб ўтишлардаги, шунингдек бекатлардаги (тўхташ жойларидаги), кесиб ўтишлардаги, нақлиётлар тарқалиш ерига яқинлашган жойлардаги махсус устунларда ўрнатилувчи телефонларга улаш лозим.

2.90 Тезюрар трамвай йўлларининг ер ости бекатларида (чуқурлаштирилган тўхташ жойларида) ва депода йўловчилар ҳамда хизмат курсатувчи ҳолимлар ахбороти учун эълонларни баъзан овозда эшиттирувчи ҳамда чироқли таблоларнинг

3 ТРОЛЛЕЙБУС ЙУЛЛАРИ

маҳаллий қурилмаларини кўзда тутиш лозим.

2.91 Трамвай ва троллейбуснинг оддий йуллари учун тортиш кичик станциялари, охири бекатлар, ҳаракат бўйича бошқарувчи хоналари ва электр бошқарувчи, шунингдек носозликдан гиклаш гуруҳлари хоналарида шаҳар телефон алоқасининг телефон аппаратларини ўрнатишни кўзда тутиш лозим.

2.92 Трамвай ва троллейбус деполарини лойиҳалашда қуйидагиларин назарда тутиш лозим:

шаҳар телефон алоқаси;

маҳаллий телефон алоқаси;

чиқариш бўйича бошқарувчи, фойдаланиш ва таъмир бўйича депо бошлиғи муовини, депо боғлиғи учун бошқарув телефон алоқаси;

депо ва чиқариш бўйича бошқарувчи учун ҳудуд билан баланд гапирувчи алоқа;

депо ва чиқариш бўйича

бошқарувчи ҳамда таъмир бўйича депо бошлиғи муовини учун ҳудуд билан телевизион алоқа;

шаҳарги радиолаштириш;

соатларни электрлаштириш;

ёнгиндан огоҳлантиргичлар.

2.93 Электр соатларни депода, яқини бекатларда ва ер ости йўлқалари қисмларида назорат электр соатлари билан бирга ўрнатишни эътиборга олиш лозим.

2.94 Бошқарув назорати ва йўловчи нақлиётининг йўналтирилган ҳаракатини чиқаришчи автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалашда нақлиёт тармоқларини мувофиқ қурилмалар ҳамда алоқа симларини билан қуролланганлигини кўзда тутиш лозим.

Ўтказгич алоқа йуллари қўллаш талаб этилувчи автоматлаштирилган тизимлар учун лойиҳаларда алоқа симларини улашмайдиган; радиоулашлар қўлланишини талаб этувчи тизимлар учун мувофиқ радио воситаларини назарда тутиш лозим.

2.95 Трамвай ва троллейбус деполарини лойиҳалашда: махсус бўлим, ҳисобхона кассалари, чегиталар кассалари, пул сарайи, пулни саралаш, Давлат балки инкасаторлари, липта маҳсулотлари омбори хоналарида қуриқлов огоҳлантиргичларини инобатга олиш лозим.

3.1 Троллейбус йуллари (тарх қисмида ва бўлима кесимда, шунингдек йўловчиларни чиқариб-тушириш майдончаларини жойлаштириш) ҚМҚ 2.07.01-94, шаҳар кўчалари ва йуллари лойиҳалашга ҚМҚ ҳамда мазкур матёр талабларига мувофиқ равишда лойиҳалаш лозим ҚМҚ 2.05.02-95.

3.2 Троллейбус йуллари шаҳар кўчалари ва йуллари лойиҳалашга ҚМҚ га мувофиқ такомиллашган ҳамда мукамал коплами кўчаларда (йўлларда) лойиҳалаш лозим ҚМҚ 2.05.02-95.

3.3 Янги троллейбус йуллари ташки темир йўл умумий тармоқлари ва темир йўл кесилув йуллари билан кесишишларини турли сатҳларда кўзда тутиш лозим.

Троллейбус йуллари саноат корхоналарининг электрлаштирилмаган ички кесилув йуллари билан кесишишларини хос равишда техник-иктисодий жиҳатдан асосланган тақдирда бир сатҳда жойлаштириш рухсат этилади. Бунда лойиҳала ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар ва унро кўриш ш, гларига риоя қилини, шунингдек мувофиқ огоҳлантиргич ва тўсқич қурилмаларини инобатга олини лозим. Троллейбус йуллари кесишиш бурчаги 45° дан кам бўлмаслиги керак.

Троллейбус йуллари алоқа ҳамда радио эшиттириш йуллари билан кесишишлари ва ўзаро яқинлашишлари ГОСТ 67-78* талабларига мувофиқ бажарилган бўлиши керак.

Троллейбуснинг туташув ўтказгичларининг 1000 В ва ундан юқори ҳавойи электр симлари билан кесишувларчи ва ўзаро яқинлашувлари мазкур меъёр талабларини инобатга олган ҳолда бажариш лозим.

3.4 Троллейбуснинг тўхташ жойларини бўйлама қиялиги 40 % дан ортиқ бўлмаган, чорраҳадан кейин 20 м дан кам бўлмаган масофада кўчанин (йўлнинг) тўғри қисмида жойлаштириш лозим. Сикик шароитларда тўхташ жойларини радиуси 100 м дан кам бўлмаган эгри қисмларда жойлаштириш рухсат этилади.

Троллейбус тўхташ жойларини чорраҳадан олдин улар ҳаракати учун махсус тасмалар мавжудлигида ёки

мувофиқ асосланган тақдирда жойлаштириш рухсат этилади.

3.5 Чикариб-тушириш майдончаларини йулкалар ёки бўлувчи тасмалар доирасида кўзда тутиш лозим. Чикариб-тушириш майдончасининг кенглигини йуловчилар ҳисобий сонига кура, бироқ камида 1,5 м қабул қилиш лозим.

Харакатдаги вагонлар тўхташ майдончасилан яқиндаги ер усти пиёдалар утиш жойигача булган масофани 20-30 м, яқиндаги ер ости пиёдалар утишига киришгача камида 5 м қабул қилиш лозим.

Харакатдаги вагонлар тўхташ майдончасининг узунлигини бир вақтда тўтовчи нақлиётларни бир троллейбусга 20 м ҳисобидан сонига кура қабул қилинади.

3.6 Бир йуналишда ҳаракатнинг икки ва ундан кам тасмасига эга булган бош кучалардаги қатнов қисмидаги тўхташ жойларини йўлнинг қатнов қисмини кенгайган жойда жойлаштириш лозим. Тўхташ жойининг кенглигини 40 м дан ортиқ бўлмаган узунликда 3 м қабул қилинади.

Шимолӣ қурилиш-иклимий минтақаси эги троллейбус йулларининг тўхташ жойлари, асосан, йуловчилар учун берк айвонлар ва иссиқ иклимда - соябон билан жиҳозланган бўлиши керак.

3.7 Троллейбуснинг охириги б. қатларида такомиллашган қопламти ва айланиш, ўзиб ўтиш, тўхтаб туриш ҳамда троллейбусларни майда таъмирларини амалга ошириш учун туташув тармоқлари мувофиқ равишда ривожланган майдонча назарда тутиш лозим.

Айланма ҳалқаларни троллейбуслар йуловчиларни чиқариш ва тушириш жойларига ёки тург н қисмларга бир м.р.омда етиб келишини таъминлашишни инobatга олиш билан лойиҳалаш зарурдир.

Троллейбусларни айланиши учун зарурӣ кўчанинг қатнов қисми ёки майдонча кенлиги камида 28 м га 180° бўлиши керак.

3.8 Охириги тўхташ жойларининг (тақсимлагич ва техник бекатларни) ва оммавий йуловчилар нақлиёти йуналишларининг бурилиш ҳалқаларининг жойлаштиришда: охириги тўхташ жойининг қурилиш ҳамда жойлаштириш ҳудудининг текислаштиришдаги алоҳида хусусиятлари; ҳаракат улчамлари;

нақлиёт турларини фойдаланишдаги алоҳидалиги ва уларнинг узаро таъсир шартлари; санитария-гигиена талабларини инобатга олиш лозим.

Охириги бекатлари: ҳаракатни бошқаришнинг таъминлаш учун бинолар ва иншоотлар, хизматчи, омбор ҳамда ҳайдовчилар ва хизмат курсатувчи ходимлар дам олишлари ҳамда иссиқ овқат билан овқатланишлари учун сан'атгария-маиший хоналар;

ҳаракатдаги вагонларни техник кузатувдан ва йул таъмири, тутиб туриш, олиб қикиб қуйишига қабул қилиш учун қопламти майдончаларни кўзда тутиш лозим.

4 ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСНИНГ ТУТАШУВ ТАРМОҚЛАРИ. ТУТАШУВ ИЛГАКЛАРИ

4.1 Трмвай ва троллейбус йулларининг туташув илгаклари турларини йўлнинг маълум қисмидаги аниқ шароитлари, шу жумладан, иклимий шароитлар, ҳаракат мумкин булган энг катта тезлиги, трамвай ва троллейбуслар ҳаракатини берилган қисмидаги зарурӣ тезлик билан таъминловчи, илгаклар ўзининг ётиқ ва тик эгрилиги қийматлари ҳамда техник хусусиятларини инобатга олган ҳолда танлаш лозим.

Куллашнинг афзаллиги м.возанатлагич ва ярим мувозанатлагичли илгакларга эга бўлишлари керак.

4.2 Муҳандислик иншоотлари остида, асосан, эгилювчан туташув илгакларини куллаш лозим. Каттик илгакларни истисно ҳолларда мавжуд муҳандислик иншоотлари остида йўлнинг қатнов қисми сатҳидан тўсин остигача масофа 4,6 м дан ортиқ бўлмаган равишда лойиҳалаш рухсат этилади.

4.3 Йўлнинг қисмида ёки йўлнинг радиуси 3000 м дан кам булган эгриликдаги тик юзанинг ботиқ қисмида занжирли оддий илгаклар ёки оддий эгилювчан қундалинг тўсинлардаги ё бўлмаса туташув симларини кўтарилишини чегараловчи занжирли илгакларни куллаш лозим.

4.4 Трамвай ва троллейбус йулларининг туташув тармоқларининг симларини масдан ҳамда ГОСТ 2584-80'б. Бўйича тайёрлашни унинг қатин-мақомини қўллаш лозим. Пушиқ алоҳидаги симларни худудни рухсат этилади.

Туташув симларини кесилини электр ҳисоб-китобларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

4.5 Занжир илгакларни узунасига тортувчи сим арконлар учун ГОСТ 3062-80* буйича тайёрланган пулат, рух, етти симли, ўрам сим аркондан фойдаланиш лозим.

4.6 Трамвай туташув тармоқларининг электр ўтказувчанлигини ошириш зарурати бўлганда узунасига тортувчи сим аркон сифатида М белгили (ГОСТ 839-80*Е), мис симдан ёки билан металл пулатли мис ПБСМ-1 ёки ПБСМ-2 (ГОСТ 4775-91Е) симларидан фойдаланилади. Мис ёки бронза

симлардан занжирли илгакларни узунасига тортувчи сим аркон сифатида фойдаланилганда игак узунасига тортувчи сим арконни автоматик равишда тортилишини соловчи қурилма билан жиҳозланган бўлиши керак.

4.7 Трамвай ва троллейбуснинг туташув симлағидаги механик кучлардан ва тортилишлардан кучланишлар кийматини 12 - жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим. Занжир илгакларнинг тортувчи сим арконларни тортилиш кийматини шу илгакларнинг техник ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиш лозим.

12-жадвал

Туташув илгакларининг турлари	Н/мм ² (кг/мм ²) чузилишда симлардаги кучланиш				Пулат алюминли симлардаги тортишнш ПКСА-80/180 Н (кгс)	
	шаклдор мисчида (ШФ) ва овал кесимли шаклдор мисчида (ОШМ)		шаклдор бронзалида (ШБр) ва овал кесимли бронзалида (ОШБр)		энг кам	энг кўп
	энг кам	энг кўп	энг кам	энг кўп		
Мувозанатланмаган	45 (4,5)	125 (12,5)	55 (5,5)	150 (15)	2000 (200)	12000 (1200)
Қисман мувозанатланган	40 (4)	150 (15)	55 (5,5)	150 (15)	2000 (200)	12000 (1200)
Ярим мувозанатланган ва мувозанатланган	80 (8)	95 (9,5)	105 (10,5)	115 (11,5)	7000 (700)	8000 (800)

Эса - темир. Троллейбус учун овал кесимли симларни қўлаганда троллейбуснинг туташув ўрнатмасининг кесим шаклини илобатга олиш лозим.

4.8 Трамвай ва троллейбус туташув симларини иланиш баланглигини 13 жадвал буйича қабул қилиш лозим.

4.9 Трамвай ёки троллейбуснинг туташув симларини рельс бошчаси ёки орқалининг исталган еридаги йўл қошамидан жойлаштириш баланглиги энг ёмон ҳисобий тартибда 13 жадвалнинг 3 т.р. да кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, 5,2 м дег' кам бўлмаслиги, трамвай ва троллейбус йўлларининг электрлаштирилмаган темир йўллари билан кесилган жойларида эса - темир йўл рельси бошчаси сатҳидан 5,8 м дан кам бўлмаслиги керак.

4.10 Туташув ўтказгичлари турлич балангликда иланивчи туташув симларини уланиш қисмини трамвай изи ёки йўлнинг бўйлама у. шинги кесимига нисбатан 20% дан ортиқ бўлмаган;

тезюрар трамвай учун - 10% дан ортиқ бўлмаган; депо ва таъмирлаш ус.ахоналари (заводлар) ишлаб чиқариш биноларида ва ҳудуд арида, шунингдек ҳаракат тезлиги 15 км/соат дан ошмайдиган трамвай ҳамда троллейбус йўллари қисмларида - 40% дан ортиқ бўлмаган қияликда лойиҳалаш лозим.

4.11 Йўлнинг тўғри қисмидаги трамвай йўллари туташув ўтказгичларини эгри-бугрисимои жойлаштириш (тархда) зарур. Барча турдаги туташув илгаклари учун эгри-бугрилик тўлиқ қалами илгакнинг тўрт оралиғидан ошмаслиги, туташув ўтказгичларининг ток қабул қилиш қиқидан оғиш (чиқши) қиймати эса 250 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Эгри қисмларда туташув ўтказгичларининг ток қабул қиқидан оғиш қиймати 300 мм дан ошмаслиги керак.

Туташув тармоқлари	Рельс бошчаси ёки йўл қоилами сәтхидан туташув симларини илиш баландлиги, м
1. Янгидан қуриладиган ёки қайта тикланилувчи йўллар (йўловчилар, хизмачи, депо, манзилгоҳ ва таъмирлаш устaxonалари, заводларининг очик ҳудудлари)	5,8
2. Умумий туриб турувчи қурилмаларига биргаликда илинувчи туташув тармоқларининг янги қисмлари.	Мавжуд йўллардаги сингари
3. Туташув тармоқларининг қисмлари: ишлаб чиқариш хоналарининг ичида биноларнинг даврвоза уйимларида	5,2 4,7
янгидан қуриладиган ва қайта тикланувчи муҳалдислик иншоотлари ҳамда берк тухтақ хоналари остида	4,4 дан кам эмас
5 м дан кам бўлмаган баландлик бўйича катталикдаги мавжуд муҳалдислик иншоотлари остида (иншоотлар остидаги йўлларнинг қатнов қисмини қайта тикланишигача)	4,2 дан кам эмас
ер ости йўлакларидagi тезюрар трамвай	3,9 дан кам эмас
Эслатмалар: 1 Туташув симларини илиниш баландлиги оралиғидаги икки торли оддий илгаклар ва занжирли илгаклар учун ҳавонинг уртача йиллик ҳарорати учун, занжирли илгаклар учун эса ораликда торлар сони иккитадан ортиқлигида - туташув симларининг солиқиликсиз ҳолатидаги ҳисобий ҳарорат учун қабул қилиш лозим.	
2 Эгилувчан қундаланг тўсишлар умумий занжирга илишда туташув симларини илиш 13 жадвал 2 тартиб рақамидаги баландлигидан оғишлар осилган узакнинг қуралмалли ўлчамининг фарқиға руҳс-этилади.	
3 Агар фойдаланишга қабул қилинувчи трамвай ва троллейбус корхоналари ток қабул қилгичлар бўлса туташув симларини илиш баландлиги ўзгарганда ток олиш сифатида таъсир этувчи узакнинг таснифий ёмонлаштирили, унда туташув симларини илишувчи баландликини ушбу корхона учун қабул қилинганини сақлаб қолиш лозим.	

4.11 Йўлнинг тўғри қисмидаги трамвай йўллари туташув ўтказгичларини эгри-бугрисимон жойлаш ириш (тархда) зарур. Барча турдаги туташув илгаклари учун эгри-бугрилик тўлиқ қадами илгакнинг тўрт оралиғидан ошмаслиги, туташув ўтказгичларининг ток қабул қилгич ўқидан оғиш (чиқиш) қиймати эса 250 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Эгри қисмларда туташув ўтказгичларининг ток қабул қилгич ўқидан оғиш қиймати 300 мм дан ошмаслиги керак.

4.12 Трамвай йўлининг эгри чизикли қисмидаги (хорда узунлиги) туташув ўтказгичларини маҳкамлаш нуқталари орасидаги масофа, а ни куйидаги ифода бўйича ҳисобланган энг кичик қиймат бўйича қабул қилиш лозим, м.

$$a = 4 \sqrt{Rb} \quad \text{и} \quad a = 2ZRH,$$

қаерда

R - йўл ўқи бўйича эгрилик радиуси, м;

b - тархда ток қабул қилгич ўқидан туташув ўтказгичларини

маҳкамлаш нуқтасини оғиши (чиқиши), м:

H - туташув ўтказгичини катта роқ қиймати, H (кгс);

Z - илинувчи ёки маҳкамлағич узакка ётиқ текисликдаги рухсат этилган куч, H (кгс).

4.13 Трамвай йўлларининг туташув ўтк эгичларини кесишиш нуқталарини (ҳавойи крестовиналарни) йўл ўқларининг кесишиши тепасида жойлаштириш лозим.

Туташув ўтказгичлар кесилган нуқтани ўткир бурчак томонидан иккига кесишувчи йўлдаги иккестлар ҳаракат йўналиши 60° дан кам бурчак остидаги йўл ўқлари кесилганда уташув ўтказгичлари билан ҳосил бўлган бурчак б...сектрисаси бўйича ҳаракат йўналиши томонига 10-15 см суриш лозим.

4.14 Туташув симларини йўлнинг йўналтиригич ўтказгичи устидан ажратилмадиган (тармоқланмадиган) нуқтаси қаерда йўл крестовинасига мос келувчи рельс бошчасининг икки қирраи орасидаги масофа $1 \pm 0,05$ м га тенг йўл ўқлари билан ҳосил булувчи бурчак

биссектрисасида жойлашган нуктада бўлиши керак.

4.15 Троллейбуслар ҳаракатининг бир йўналишидаги туташув ўтказгичлари орасидаги масофани кўзда тутилган ихоталагич турига кўра 500-520 мм қабул қилиш лозим.

Кўрсатилган қийматлардан қуйидагича оғишлар рухсат этилади, мм:

400 - 700 - туташув

тармоқларининг махсус қисмларида;

500 - 700 - занжирли туташув илгакларида, кичлик торларидаги илгакларда, шунингдек шамол билан сувни сағратиладиган денгиз соҳили минтақасида жойлашган троллейбус йўлларининг исталган туташув илгакларида.

4.16 Троллейбус тармоқларининг манфий туташув ўтказгичлари: и ҳар доим ҳаракат йўналиши бўйича унғ томонда жойлаштириш лозим. Истисно тарихсида, депо, таъмирлаш устaxonалари (заводлар) ва шунга ўхшашлар ҳудудларида шунингдек уч ўтказгичли таъминот тизимида туташув тармоғининг манфий ўтказгичини чап томонда жойлаштириш рухсат этилади.

4.17 Троллейбус туташув йўлларини режалаштириш ҳаракатнинг биринчи ва иккинчи тасмаларида ҳаракат таъминланган ҳаракатнинг охириги чап тасмасида чап бурилишларга ўтишларда эса троллейбусларнинг аниқ чул ҳолатини инобатга олган ҳолда бир маромда утиб олишини эътиборга олинган бўлиши керак.

Бунда туташув ўтказгичларининг йўл укига яқинлашиши икки тасмали ҳаракатда буг'илишгача 60-80 м, уч ва ундан ортик тасмаларда эса - 100-120 м масофадан бошланиши керак.

Тархда троллейбуснинг четки туташув ўтказгичидан пиёдалар йўлқаларининг ён деворигача бўлган масофа камида 1,5 м, эгри чизикли қисмдаги хорданинг ўртача қисмида эса - 1 м бўлиши керак.

4.18 Ёнма-ён троллейбус йўлларининг туташув ўтказгичлари билан троллейбус туташув ўтказгичлар ва яқиндаги трмвай рельслари орасидаги ётик масофани 14 жадвалда келтирилган қийматлардан кам қабул қилинмаслиги лозим.

14-жадвал

Троллейбус йўллари	Троллейбус йўлларининг туташув ўтказгичларидан яқиндагича ётик масофа, м.			
	ҳаракатдаги трамвай йўлларининг рельси		ҳаракатдаги ёнма-ён троллейбус йўлларининг туташув ўтказгичлари	
	мувозийдан	қаршисидан	мувозийдан	қаршисидан
Меъёрий шароитларда				
Йўловчилар	3,5	4,0	3,0	3,5
Хизматчи ва юк ташувчи, шунингдек деп ва таъмирлаш устaxonалари (заводлари) ҳудудида жойлашган	2,5	3,0	2,0	3,0
Рухсат этилган сиқик шароитлар				
Йўловчилар	2,0	2,5	1,5	2,0
Хизматчи ва юк ташувчи	1,5	2,0	1,0	1,5
Депо ва таъмирлаш устaxonалари (заводлари) ҳудудида жойлашган	1,5	2,0	1,0	1,0

Эслатма. Троллейбус туташув йўлларининг йўналишига тугуларига уқинувчи оралиқда ёнма-ён яқинлашувчи йўллар туташув ўтказгичлари орасидаги ётик масофа 1,0 м дан кам этирилган бўлиши мумкин (бу гадаб 10 м узунлик аги минтақага талоудин эмас; йўналиширич тугуи оқинда, қағрива буниниб астувчи (ақралувчи) йўлларининг четки ўтказгичлари орасидаги масофа йўл тиринча тугуи кўридан билан аниқланади).

4.19 Троллейбус йўллари.нинг эгри чизикли қисмлари радиуси йўлнинг эгрилик радиусидан кам бўлмаслиги керак.

Чорраҳалардаги, майдонлардаги, айланма ҳалқалардаги ва шунга ухшаганлардаги бурилиш жойларидаги

туташув йўллари.ни тархдаги энг кичик радиусини 15 жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

4.20 Йўлнинг эгри чизикли қисмидаги троллейбус йўллари.нинг (тархдаги) туташув утказгичлари.даги

15-жадвал

Бурилишлар шартлари	Троллейбус йўллари.нинг ички туташув утказгичи бўйича тархда энг кичик эгрилик радиуси	
	метрий шароитларда	рухсат этилган сикик шароитларда
Куйидаги бурилиш бурчақлари.даги йўловчилар йўллари.да:		
90° гача	12	10
90° дан юкори	14	11
Хизматчи ва юк ташувчи йўлларда, шунч.гдек депо ва таъмир устаконалари.да (заводлари)	10	9

синиш бурчагининг қиймати узаклар ва маҳкамлагич қурилмалар (қискичлар, маҳкамлагичлар, қайта маҳкамлагичлар, эгриликни тутиб тургичлар) техник шартлари.да хос равишда белгиланган рухсат этилган синиш бурчагидан ошмаслиги керак.

25 мм дан кам узунликдаги қискичларни қўллаш билан туташув утказгичлари.ни маҳкамлашда синиш

бурчаги битта қискичга 4° дан ошмаслиги керак.

4.21 Оралик узунлиги хос иклимий ҳудудлар учун илгаклар қурилмалари билан аниқланади.

Тўғри чизиклидаги туташув илгаклари оралигининг энг катта узунлиги 16 жадвал бўйича қабул қилинган.

16-жадвал

Туташув илгаклари	Куйидаги йўллар учун тўғри қисмидаги таянчлар расидаги туташув илгаклари оралигининг каттарок қийматлари, м.	
	трамвай	троллейбус
Занжирли	50 гача	50 гача
Оддий илгакли	45	40
Қия тордаги оддий	40	40
Эгилувчан сим аркон қўдаланган тусинлари.даги оддий	35	30
Ер ости йўлқалари.даги кичик улчамли занжирли	25	25
Ер ости йўлқалари.даги эгилувчан тутиб турувчи оддий қурилмаларда	15	15
Оддий қаттиқ шип илгаклари	8	4

Трамвай излари ёки йўллари.нинг бўйлама кесимини биргаликдаги улсурларини тик эгрилик чегаралари.да бирлашувчи туташув илгаклари оралиги бино девори узунлигини таянч қурилмалари сифатида фойдаланишда ва 500 м дан кам радиусли ётқ эгриликли троллейбус йўллари.нинг бош қисмида 20-25 га камайтириш лозим.

Занжирли илгакларнинг алоҳида (биргаликда эмас) ораликлари қиймати.ни 60 м гача ошириш рухсат этилади.

100 м гача узунликдаги катта яқка ораликларни ёпиш учун оғинлик 3-4 шакли занжир илгакларни ва ораликнинг икки томони бўйича бўйлама сим арконларни қўлданлаш, шунингдек "трапеция" ёки "полигон" тури.даги туткич қурилмалардан фойдаланган ҳолда

қундаланг эгилувчан сим арконлардаги оддий илгакларни қабул қилиш лозим.

4.22 Ташқи ёритиш учун туташув тармоқлари таянчлари фойдаланиганда таянчлар орасидаги масофани илгак турининг қулай уйғулиғига (16 жадвалга мувофиқ) ва кучаларни ёритиш талаблари кура қабул қилиш лозим.

ТУТҚИЧ ВА МАҲКАМЛАГИЧ ҚУРИЛМАЛАР

4.23 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларидаги тутиб тургич қурилмалари сифатида таянчлар, оддий ва занжирли эгилувчан қундаланг тусинлар, йул ўтказгич тусинлари, ер ости йулқалари ва бошқа муҳандислик иншоотларини назарда тутиш лозим.

Трамвай туташув тармоқларини тутиб турувчи ва маҳкамлагич қурилмаларини тузилишларини бажаришда 150 Н (15 кгс) дан кам бўлмаган куч билан туташув ўтказгичига ва сим аркон унсурларини энг кам торғилишида ток қабул қилгич босимида трамвай туташув тармоқлари қисмлари бундан ташқари ток қабул қилгичлар зарби истисно қилинган бўлиши керак.

4.24 Кучга кура эгилувчан тутиб тургич ва маҳкамлагич қурилмалар учун 5 мм диаметрли рухланган пўлат симларни (ТУ 14-4-1383-86) ёки рухланган пўлат етти симли сим арконларни (ГОСТ 3062-80*) қуллаш лозим.

4.25 Таянчларнинг барча турлари ётиқ текисликда бурилишлари ва уларни таянчларга маҳкамлашни туғуларида бундан ташқари химояга эга бўлиши керак.

4.26 Айрим ҳолларда эгилувчан қундаланг тусинлар мураккаб бўлган тизимлар қурилишига эга бўлишлари мумкин: бурчаклар, тралесиялар, полигонлар.

4.27 Тутиб тургич қурилмалар ҳисоб-китобларини иқлимий ҳудудларга кура (энг паст ҳарорат, музликлар, шамол) кучларни нонулайроқ уйғулиғида олиб бориш лозим.

Маҳкамлагич сим арконларни ҳисоб-китобларида энг кам рухсат этилган сим аркон тортишишини берилган иқлимий ҳудудга энг юқори йўллик ҳароратда энг кўп ортилган бўлишида 300-500 Н (30-50 кгс) га тенг қабул қилиш лозим.

4.28 Эгилувчан тутиб тургич ва маҳкамлагич қурилмалар илгаклари ҳамда сим арконлар кесилиши тағлашда қуйилган мустаҳкамликнинг эҳтиёт коэффициентлари қабул қилинган бўлишлари керак:

занжирли илгакларни кўтарувчи пўлат қундаланг сим арконлар, пўлат, биметалл ва мис қундаланг юк кўтарувчи сим арконлар, эгри қизикли қисмлардаги тортқич симлар учун - камида 3;

мис ва биметалл биметалл буйлама юк кўтарувчи занжир илгак сим арконлари, пўлат ҳамда биметалл маҳкамлагич қундаланг тусинлар учун - камида 2,5.

4.29 Таянчлардаги қундаланг эгилувчан сим арконларни маҳкамлашда баландликларини ҳисоблашда қуйидаги қундаланг тусинларнинг уларни маҳкамлашни жойигача қундаланг тусинлар энг кўп осилган милли нуктасидаги қияликлардан келиб чиқиш лозим:

Тўғри қисмлардаги оддий қундаланг тусинлар учун 1:10 - 1:12
оддий қундаланг тусин қисмларининг ташқи эгрилиги учун нисбатан 1:15 - 1:20
оддий қундаланг тусин қисмларининг ички эгрилиги чун нисбатан 1:5 - 1:10
занжирли қундаланг кесим юк кўтарувчи сим арконлар, занжирли илгаклар юк кўтарувчи қундаланг тусинлар ва маҳсул қисмлар юк кўтаргич сим арконлар учун 1:5 - 1:10
эгриликдаги торқичлар учун 1:20 -

1:40
туташув ўтказгичларини зулфинлагич тармоқлари учун 1:30 - 1:40

4.30 Юк кўтарувчи эгилувчан қундаланг тусинлар узунлиги 30 м ва ундан ортиқ бўлганда тортқич улагичларни кўзда тутиш лозим.

Юк кўтарувчи сим арконлар занжирли илгаклар билан торғич улагичлар орасидаги масофа 600 м дан ортиқ бўлмаслиги керак; тортқич улагичлар худди шундай сим арконларни зулфинлар ерларида ҳам эътиборга олиниши керак.

Оддий эгилувчан қундаланг тусинларда иккитадан ортиқ бўлмаган трамвай ёки троллейбус туташув йулларини уларнинг симлари орасини 10 м гача масофада илгак рухсат этилади. Ўтказгичлар орасидаги масофа катта бўлганда, шунингдек йуллар сони иккитадан ортиқ бўлганда занжирли

эгилювчан кўндаланг тўсинларни қабул қилиш лозим.

4.31 Турар-жой ва умумий бинолар деворларига маҳкамланувчи кўндаланг тўсинлар, торгичлар ва тармоқ зулфинлари туташув тармоқларида пайдо бўлувчи титратма ҳамда шовкиларни ютувчи ўзаклар (шовкин пасайтригичлар) билан қуролантирилган бўлишлари керак.

4.32 Занжирли эгилювчан кўндаланг тўсинлари симларининг узунлиги қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак, м:

трамвай туташув тармоқларида 0,5

троллейбус туташув тармоқларида. 0,7

Эгилювчан кўндаланг тўсинлар ўтказгичлари билан аралаш туташув симларининг кўндаланг ва кесишулчан ўтказгичларининг кесишиш ерларидаги масофа камида 0,7 м таъминланиши керак.

4.33 Бир кўча доирасида трамвай ва троллейбус туташув тармоқларини мустақил туткич қурилмаларини кўзда тутиш лозим. Туташув тармоқлари таянчларини йўлнинг ён девори ёнида ўрнатиш имкони бўлмаганда тракзай ва троллейбус туташув илгаларини (қияликдаги симларда илинган илгалардан ташқари) умумий туткич қурилмаларга (кўндаланг тўсинларга) илиш рухсат этилади.

4.34 Девор илгагдан бинонинг бурчагича ва девор ўйимларининг четиғача (дераза, эшик ва шунга ўхшашлар) масофа (тик ва ётиқ буйича) камида 0,5 м бўлиши керак.

Деворлардаги эгилювчан туткич қурилмалар маҳкамланган ерлардаги битта девордаги илгалка тушувчи ҳисобий куч 7000 Н (700 кгс) дан ошмаслиги керак.

4.35 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг туткич қурилмаларини (сим арқон кўндаланг тўсинлари, таянчлар) туташув тармоқларига таалуқли бўлмаган қандайдир қурилмаларни илиш учун фойдаланиш рухсат этилмайди.

Туташув тармоқлари кўндаланг тўсинларини туташув тармоқларининг туткич қурилмаларидан 1 кВ кучлинига алоқа ва СЦБ ўтказгичларининг ёкки погонли ихоталанишини бажарилиш шaroитида ушбу СЦБ кўндаланг тўсин ўтказгичлари ва уланишларини узунасига

ётказиш учун фойдаланиш рухсат этилади.

ТАЯНЧ ҚУРИЛМАЛАРИ

4.36 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларидаги таянч қурилмалари сифатида махсус таянчлардан ва мувофик танкилотлар билан келипилган ҳолда - ер ости йўлкалари, кўприклар, йўл ўтказгич ҳамда бошқа муҳандислик иншоотлари қурилмаларидан фойдаланиш лозим.

Бинонинг юк кўтарувчи унсурларига маҳкамланган махсус ўрнатма ҳисмлардан фойдаланиш ҳолларидан ташқари, биноларга туташув тармоқларини маҳкамлаш учун осма темир бетон панели дево, лардан фойдаланиш рухсат этилмайди.

4.37 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқлари учун тортилган ва тортилмаган ўзакларга эга бўлган темир бетон таянчларини ҳамда электрлаштирилган шаҳар нақлиёти учун мулкаланган пўлат таянчларни қўллаш лозим.

Муҳандислик иншооларидаги (кўприклар, йўл ўтказгичлар ва эстакадалардаги) зулфинли қисмлар билан юкли мувозанатлагичлардаги таъминловчи сим арқонларга чиқиш жойларидаги тутушларда, шунингдек 35 кВ ва ундан юқори кучлинишли электр ўтказгич симлари миянтақасидаги тутаниш тармоқлар таянчларини ўрнатишда пўлат қувурсимон таянчларни кўзда тутиш тавсия этилади.

Ҳос таянч қурилмаларини қўллаш заруратини лойиҳада белгилаш ва асослаб бериш лозим.

Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг темир бетон ҳамда металл таянчларини ерга улаш талаб этилмайди.

4.38 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг темир бетон таянчлари қурилмаларини КМК 2.03.01-7, талабларига мувофик, пўлат таянчларни эса - КМК 2.03.05-97 га мувофик ҳисоблаш лозимдир.

Пўлат таянчларга ётиқ куч ҳисоби китобида P_p кс, қуйидаги иқола буйича аниқлаш лозим:

$$P_p = K P_n$$

қасрда К - ортиқча юк коэффициенти
енти, $K=1,3$;

P_n - таянчнинг юкорисига
қуйилган таянчнинг метъ
рий кучи, кгс;

Метъерий куч таъсири остидаги
темир бетон ва пулат таянчларнинг
хисобий эгилиши таянчнинг ер устки
кисмини 1/70 балан дигидан, таянчнинг
ичида юк жойлашган юкли
мувозанатлагичли зулфили таянчлар
учун эса 1/150 дан ошмаслиги керак.

4.39 Турли томонга йуналтирилган
таянч кучларини қабул қилишда
таянчларни исталган сим арконлар
таянчларида маҳкамланувчидан узилиш
мумкинлигини инобага олган ҳолда
таъсир этувчи барча кучларни энг қулай
уйғунлиги учун аниқланувчи натижавий
куч буйича танлаш лозим. Бунда таянч
юкорисига келтирилган натижавий куч
киймати таянчга тушувчи метъерий кучдан
ортиқ бўлмаслиги керак.

4.40 Темир бетон таянчлар учун
таянчлардаги натижавий хисобий кучни
метъерий билан солиштириш буйича
ортиқчаллиги 25 % дан ва пулат таянчлар
учун 50 % дан ортиқ бўлмағанда, эътисно
тариқасида, қуйилаги ҳолларда
таянчларни зулфини торткичлар билан
кучайтиришни кўзда тутилади:

мавжуд таянчларда қўшимча
юклар таъсирати бўлганда;
юкли ва хизматчи йулларда;
депо ҳудудида ва таъмирлаш
устахоналарида (заводларда);

шаҳар танқарисидани йулларда.

Нақлиёт ва пёдалар ҳаракати
мумкин бўлган ерларда: зулфин
торткичлар жойлашган баландлиги
ичини катнов қисми сатҳдан камида
5м, йўлка билан қишишларда эса -
Йўлка қоплами сатҳдан камида 3м қабул
қилиниши керак.

4.41 Трамвай ва троллейбус
туташув тармоқларнинг таянчларини
йўлкалардан ёки майсазорлардаги йўл ён
деворлари буйлаб жойлаштириш лозим.
Ён девор тошини киррасидан таянч
уқигача булган масофани 1м қабул
қилиш лозим. Бунда ён девор томи
киррасидан таянчнинг танки юзасигача
булган масофа камида 0,6м бўлиши
керак.

Юқрида таянчларни қошиларда,
бино деворлари етида, яшил экинлар
минтақаларида жойлаштириш мумкин.

Таянчларни ён девор тошлари
билан чегараланмаган йўл буйлаб
урнатишда, уларни намулавий ён деворли
тусик ар урнатиш билан йўлнинг қатнов
қисми (асфальт қопламли) чекқасидан
камида 1,75 м масофада йўл ён-сида
жойлаштириш лозим. Трамвай йўли
уқидан туташув тармоқлари
таянчларигача булган энг кичик
масофани мазкур метъернинг 2,2, 2,5
бандлари талаблари билан мувофиқ
равишда қабул қилиш лозим.

4.42 Трамвай ва троллейбус
туташув тармоқларининг таянчларини
асосчи, бетон (бетон синфи В15) ёки хос
ийгма темир бетон (бетон синфи В20,
В30) пойдеворларида урнатиш лозим.

Трамвай ва троллейбус туташув
тармоқлари таянчлари пойдеворларининг
хисоб-қитобларида хисобий куч сифатида
ортиқча юк коэффициентини $K=1,3$ билан
таянчга тушувчи метъерий кучни қабул
қилиш лозим.

Пойдевор таглигининг ётказилиш
чуқурлиги хос ҳудуддаги тупрок музлаш
чуқурлигидан кам бўлмаслиги керак.

Туташув тармоқлари
таянчларининг йигма темир бетон
пойдеворлари электрик емирилишда ва
проф муҳи таъсиридан пайдо булувчи
емирилишлардан муҳофазаланган
бўлишлари керак.

4.43 Трамвай ва троллейбус
туташув тармоқлари таянчларининг
пойдеворларидан ер ости муҳандислик
тармоқларигача булган ётиқ масофасини
(оралигини) ҚМҚ 2.07.01-94 буйича
қабул қилиш лозим.

Трамвай ва троллейбус туташув
тармоқлари таянчларини, мустасно
тариқасида, ер ости иншоотлари,
робиталари устида ер ости иншоотлари
юкорисидан таянчнинг пойдевори
асосигача камида 0,5 м, метрополитен
иншоотлари учун эса - 1,0 м масофада
ўрнатиш руҳсат этилади.

4.44 Туташув тармоқлари
таянчларини ер ости робиталари қатта
зичликда булган ерларда урнатиш
заруратида таянчларни махсус
қурилмаларда пойдеворлик уқини
таянчнинг тик уқига инебатан сижитланган
ҳолда ер ости робиталари устида
таянчларни жойлаштиришни кўзда тутиш
руҳсат этилади.

4.45 Трамвай ва троллейбус
туташув тармоқлари таянчларини
муҳандислик иншоотларида (қўшма қарда,

йўл ўтказгичларда, эстакадаларда ва шу кабиларда) муҳандислик иншоотларининг юк кўтарувчи унсурларига маҳкамланувчи пулат стаканларда ёки гардишларда ўрнатиш лозим.

Пулат стакадаги таянчларни 0,6-0,8 м чуқурлатиб ва стаканининг пастки ва юқори қисмида айланма ўлчами бўйича пулат позалар билан позалаб маҳкамлаш лозим. Стаканининг юқори қисмида таянчни стаканга найвандлаш рухсат этилади. Таянчларни гардингги маҳкамлашни болтлар билан бажариш лозим. Таянч маҳкамланган жойидан сув четлатиш билан таъминланиши керак. Муҳандислик иншоотларига таянчларни маҳкамлаш қурилмаларини ўрнатишувчи таянчга таъсир этувчи ҳисобий кучлар бўйича ҳисоблаш лозим.

4.46 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқлари таянчларини уларда туташув тармоқларига тегишли бўлмаган сим арқонлар, ўтказгичлар ва қурилмаларни маҳкамлаш учун фойдаланиш фақат туташув тармоқларидан фойдаланувчи ташкилот билан келишилганликка кўра ҳамда таянчнинг мсьерий кучлар доирасида рухсат этилади...

ОСМА ЎЗАК ВА ТУТАШУВ ТАРМОҚЛАРИНИНГ МАХСУС ҚИСМЛАРИ

4.47 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг осма ҳамда маҳкамлагич ўзак ҳамда қурилмалари, шунингдек махсус қисмлари туташув ўтказгич ёки ток қабул қилгичнинг туташув ўрнатмаси, юргич унсурларининг текис ва зарбсиз ўтишини таъминлаши керак.

4.48 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг махсус қисм ва қурилма қурилмаларида троллейбуснинг мусбат ва манфий кўтбўлини ўтказгичлари орасида 5 кВ кўчланишга сигналган ҳимоя билан таъминланган бўлиши керак.

4.49 Туташув тармоқларининг қурилмалари ва махсус қисмлар юргич юзаси унсурлари сатҳининг туташув ўтказгичи сатҳига нисбаган пасайиши 0,02 % қияликдан ортмаслиги керак. Туташув тармоқларининг ўзати ГОСТ 23476 79* га, туташув тармоқларининг қурилма ва махсус

қисмлар эса - тайёрлов-заводнинг техник шартларига мувофиқ бўлиши керак.

4.50 Туташув симларининг кесишган ва бирлашган (а) эшган) бурчаклари туташув симларини иулини ётқазилда саноатда тайёрланувчи туташув тармоқлари махсус қисмлари бурчак қурилмаларининг рухсат этилган даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Трамвай ва троллейбус йўлларининг кесишишлари билан қурилмалари трамвай йўллари мувозни текислигини текисликда кесишиши фазовий ҳолатини таъминлаши керак.

Махсус қисмлар қурилмаларидаги ётиқ текисликда туташув симларини синиши рухсат этилмайди.

Бўлимли химоялагичла туташув симларини синиши 4° дан ортиқ бўлмаганда рухсат этилади.

4.51 Туташув тармоқларининг махсус қисмларини, асосан, йўлнинг 15 % дан кам қияликдаги қисмида ўрнатиш лозим.

Туташув тармоқларининг махсус қисмларини ихоталанган юришни унсурлари билан қуйидаги йўлнинг бўйлама қияликларида ўрнатиш рухсат этилади, %:

троллейбус йўлларини кесишишларида	20 гача
трамвай ва троллейбус йўлларининг кесишишларида	25 гача
бошқарилувчи йўналтиригич мелин тугуиларда	25 гача
ўқаш кесишишларда	30 гача
бўлимли ихоталагичлар	40 гача
Айрим ҳолларда муз ҳосил бўлмаганда ва мувофиқ асосланган тақдирда қияликларни	5 % га ошириш рухсат этилади.

4.52 Рухсат этилган қияликдан ортиқ кўтарилишларда ток остида ҳаракатни таъминловчи туташув тармоқларида кесишув қурилмаларини қўзда тутиш лозим.

4.53 Трамвай ва троллейбус йўлларининг кесишиш қурилмалари, асосан, кесишиши троллейбус ток остида, трамвай эса - инерция бўйича ўтишини таъминлаши керак.

4.54 70 м дан кам радиусли трамвай йўлларининг эгри қиялик қисмларида ёки йўлнинг қийшқ қисми билан кўтарилишлар уйғунлаштириш трамвай ва троллейбус туташув йўлларининг трамвайни ток остида троллейбуслар эса инерция бўйича

Ўтишни таъминловчи кесишиш қурилмаларини қабул қилиш лозим.

4.55 Иҳоталанган юргич унсурлар булган троллейбус йўллари кесишиш қурилмалари орасидаги масофа 5 м дан кам бўлмаслиги керак.

Кесишишлар орасидаги масофа 5 м булганда, асосан, ток остида ҳаракатни таъминловчи кесишишларни қабул қилиш лозим.

4.56 Туташув тармоқларининг махсус қисмларининг иҳоталанган юргич унсурлари чиқишда ёй учиргич қурилмаларига эга бўлишлари керак.

4.57 Троллейбуснинг автоматик мийли тутунларини чорраҳалар ва пиёдалар йўлқалари олдига қуйидагича масофадан кам бўлмаган равишда ўрнатиш лозим, м:

12 м гача узунликдаги троллейбуслар учун 20

бўлинган троллейбуслар учун 30

Ўхшаш мийли тутунларни чорраҳалардан ва пиёдалар йўлқаларидан камида 8 м масофадан кейин жойлаштириш лозим.

ТУТАШУВ ТАРМОҚЛАРИ ИҲОТАЛАРИ

4.58 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг кучланиш остидаги қурилмалари қуйидагиларга нисбатан камида икки босқичли иҳотага эга бўлишлари керак:

таянч қурилмаларига (таянчларга, биноларга, муҳандислик иншоотларига);

трамвай ва троллейбуснинг яқин йўлларининг туташув илгакларининг ток ўтказувчи унсурларига;

бошқа моҳияли ўтказгич ва жиҳозларга.

Битта троллейбус туташув йўллариининг манфий ва мусбат қутбли ўтказгичлари орасид 5 кВ сичгов кучланишига ҳисобланган бир босқичли иҳота ўрнатиш рухсат этилади.

Шип илгак аридаги иҳоталанган тахта ва ёғочларга маҳкамлашувчи туташув ўтказгичлари 5 кВ синг кучланишига ҳисобланган шароитда иҳоталанишнинг иккинчи босқичи қабул қилиниши мумкин.

4.59 Оддий ва маҳкамлагич эгилувчан кундаланг түсинлардаги иҳотани қуйидагича кузда тутиш лозим:

туташув ўтказгичлари маҳкамланган жойларда;

кундаланг түсинларни таянч қурилмаларига маҳкамланган жойларида;

трамвайнинг ҳар қайси туташув ўтказгичидан камида 1,5 м ва 2,0 м дан ортиқ бўлмаган масофада.

